



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**

20 25 yil « 31 » mart

№ 194

Toshkent sh.

**Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини қўллаб-қувватлаш
мақсадида 2024-2025 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари
нархларининг босқичма-босқич ўзгариш графигига
ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг топшириқларига мувофиқ аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан ишончли таъминлаш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини куз-қиш мавсумидан кейин қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган 2024-2025 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг босқичма-босқич ўзгариш графигига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси таклифларига асосан электр энергияси ва табиий газ нархлари ҳар йили 1 майдан бир маротаба йиллик инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда 10 фоиздан юқори бўлмаган миқдорда индексация қилиб борилади.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган 2024-2025 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг босқичма-босқич ўзгариш графигига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. “2025 йил 1 апрелдан” устунидаги “апрелдан” сўзи “майдан” сўзи билан алмаштирилсин.

2. 1.2.1. ва 1.2.2. – позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“

1.2.1.	Овқат тайёрлаш учун марказлашган ҳолда электр плиталар билан жиҳозланган кўп квартирали уй-жойлар ва ётоқхоналарда яшайдиган маиший истеъмолчилар учун бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: ойига 200 кВт соатгача; ойига 201 кВт соатдан 500 кВт соатгача; ойига 501 кВт соатдан 1 000 кВт соатгача; ойига 1 001 кВт соатдан 5 000 кВт соатгача; ойига 5 001 кВт соатдан 10 000 кВт соатгача; ойига 10 001 кВт соат ва ундан юқори.	кВт соат	225	225	300
			450	450	400
			450	450	500
			675	675	750
			787,5	787,5	875
			900	900	1 000
1.2.2.	Қолган маиший истеъмолчилар учун бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: ойига 200 кВт соатгача; ойига 201 кВт соатдан 500 кВт соатгача; ойига 501 кВт соатдан 1 000 кВт соатгача; ойига 1 001 кВт соатдан 5 000 кВт соатгача; ойига 5 001 кВт соатдан 10 000 кВт соатгача; ойига 10 001 кВт соат ва ундан юқори.		450	450	600
			900	900	800
			900	900	1 000
			1 350	1 350	1 500
			1 575	1 575	1 750
			1 800	1 800	2 000

”.

